

Садақанинг биз билмаган фойдалари



10:38 / 25 март 1531

1. Балони даф қилади.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, садақа Роббнинг ғазабини ўчиради ва ёмон ўлимни даф қилади», дедилар».

Ибн Ҳиббон ривояти.

2. Гуноҳ ва хатоларга каффорот бўлади.

Икрима розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша розияллоҳу анҳога: «...Чунки у оч қолганни тўйдирди ва худди сув оловни ўчиргандек, хатони ўчиради», дедилар».

Термизий ривояти.

3. Банда у билан дўзах азобидан сақланади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳатто бир дона хурмо бўлаги билан бўлсада, дўзахдан сақланинг», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

4. Мол-дунёни асрайди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Молларингизни закот билан

ўраб, ҳимояланглар», дедилар.
Табароний ривояти.

5. Беморларга даво бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Беморларингизни садақа билан даволанглар», дедилар.

Байҳақийнинг сунанидаги ривоят.